

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИДАГИ РОЛИ

Xushnudbek Mamadaliyev

Фан ва технологияларуниверситети “Ижтимоий-гуманитар фанлар ”

кафедраси доценти в.б Tarix fanlari doktori (PhD) e-mail:

Saidakbar201209@mail.ru

Аннотация:

Ушбу мақолада қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарларининг тараққий этишида хунармандчилик соҳалари муҳим ўрин тутгандиги, турли даврларда хунармандчилик – иқтисодий ҳаётнинг асоси ҳисобланганлиги изоҳланган. Бу анъана XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида ҳам давом этиб, бу даврда Фарғона водийсининг кўплаб шаҳарларида турли хунармандчилик соҳалари мавжуд бўлганлиги, водий шаҳарларининг кўпчилиги иқтисодий марказлар бўлиб, шаҳарларда турли хунар соҳиблари яшаганлар ҳамда иқтисодий ҳаётнинг ривожланишига ўз хиссаларини қўшганликлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: Ярим ипак газламалар, хунармандчилик, сифатли ипак курти, газламалар шойи (канаус), пичоқсоз усталар, кулолчилик ва тери ошлаш.

Аннотация:

В данной статье поясняется, что в развитии древних и средневековых городов ремесла играли важную роль, и в разные периоды ремесла считались основой экономической жизни. Эта традиция продолжалась со второй половины 19 века до начала 20 века, и в этот период во многих городах Ферганской долины существовали различные ремесленные производства, большинство городов долины были экономическими центрами, жили различные ремесленники. В городах и способствовало развитию хозяйственной жизни.

Ключевые слова: полушелковый гобелен, промыслы, качественный шелкопряд, гобеленовый шелк (канаус), безножевые мастера, гончарное и кожевенное дубление.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Бу даврда Фарғона водийси шаҳарларидаги хунармандчиликнинг энг ривожланган соҳаларидан бири тўқимачилик эди. Шаҳарлардаги тўқувчилар яратган кўплаб маҳсулотлар турларига нафақат шаҳарнинг ўзида, балки, атроф қишлоқлар, бошқа шаҳарлар, мамлакатлар, тоғли ва дашт худудларида яшаган аҳоли орасида талаб катта эди.

Манбаларга эътибор берадиган бўлсак, Қўқон хонлиги шаҳарлари, айниқса, Наманган ва Марғилон ипак газламалар ишлаб чиқарувчи йирик марказлар эди. “Қўқонда ипак ва ип газламалар тўқиш фабрикалари жуда ривожланган ҳолатда”, деб қайд этилган эди XIX асрнинг 40-йилларида[1]. Қўқон хунармандчилиги ҳақида ёзган муаллифлардан бири “Уни турли деб бўлмайди. Унинг диққатига сазовор ягона соҳаси бу Наманган, Қўқон ва Марғилон фабрикаларида ипак газламалар ишлаб чиқаришдир. Бу газламалар шойи (канаус), адрас ва беқасамдир. Охирги иккитаси ярим ипакдир. Уларнинг шу номдаги Бухоро газламаларидан сифати анча анча пастроқ”, - деб ёзади.

Марғилондаги ипак газламалар ишлаб чиқариш устахонаси ҳақида XIX асрнинг охирларида қуйидагича таърифланади: “Тўқиш жойи шипдан кичик тешиклар орқали ёритиладиган ярим қоронғи саройда жойлашган. Ерга казиб ўрнатилган қозонлари билан бўёқхона ҳам унча катта қизиқиш уйғотмайди, ўтин ёқишдан чиққан тутун фақат очиқ эшиклар орқали чиқиб кетади”[2].

Савдо соҳасида эса Марғилон шаҳри вилоят бўйича Қўқондан кейин иккинчи ўринда турарди. Марғилон шаҳрида анъанавий машҳур хунарлардан бўлган ипакчилик бу даврда ҳам маҳорат билан давом эттирилган. Марғилон ипагини янада кўпайтириш ва ундан катта даромад қилиш мақсадида ҳукумат ипак курти лабораториясини ташкил этади. Аҳолини сифатли ипак курти билан таъминлашда, ипакчиликни ривожлантиришда унинг сифатини яхшилаш бўйича изланишлар билан бир қаторда маҳаллий анъаналардан ҳам кенг фойдаланилган. Ипак етиштириш ва унинг сифати бўйича Фарғона водийсида Марғилон биринчи ўринда турарди. Марғилон ипак матолари Марселга (Франция), Константинополга ва Россиянинг Европа қисмига олиб кетилган. Шунингдек, Марғилон ипакчилик маҳсулотларига Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатларда ҳам талаб катта эди. Ипак толаси ва матоларга, айниқса Россия билан савдо алоқаларида талаб йил сайин ортиб борган. Масалан, 1884 йилда Марғилондан 1.400 руб. ипак маҳсулотлари олиб кетилган бўлса, 1885 йилда 228.000 руб. ипак маҳсулоти олиб кетилган.. Бундан ташқари Марғилондан



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Россияга мўйналар, турли газламалар, тери, дўппи жўнатилган. Россиядан эса Марғилонга темир, бўёқ, қанд шакар, саноат маҳсулотлари келтирилган. Аммо бутун Туркистон каби, Марғилон ҳам метрополия учун асосан хом ашё манбаи эди. Статистик маълумотлар кўрсатишича, 1895 йилда Россиядан Марғилонга 332.800 сўмлик маҳсулот келтирилган бўлса, Марғилондан Россияга 911.000 сўмлик, яъни 3 баробар кўп маҳсулот жўнатилган[3]. Темир йўллар қурилгач, ипак толаси ва матолари олиб кетиш йил сайин кескин ортиб борган.

Тошкентда ҳам ипак газламалар – шойи ва атлас ишлаб чиқарилган. Лекин бу ишлаб чиқариш чекланган миқдорда эди. Бозорларда бу газмол тури жуда кам учрар эди. “Уларни тўқиб беришларини сўраб буюртма бериш ёки тасодифан сотиб олиш мумкин эди. Чунки бу газламалар фақат оила аъзоларининг эҳтиёжлари учун тайёрланар эди”, - деб қайд этади XIX аср муаллифи.

Ярим ипак газламалар жумласига XIX аср ишлаб чиқарилган “Пари-поша” матосини ҳам киритиш мумкин. Бу газлама айрим ҳолларда соф ипаклик бўлиши ҳам мумкин эди. Бундай ҳолда бу газламани тўқиш учун олий навли ипакдан фойдаланилар эди. Пари-поша газламаси Қўқон хонлиги шаҳарларида ҳам кенг ишлаб чиқарилган эди. Бу ерда “оқ чизикли кўк мато – пари-поша” ва шунингдек, “тўқ чизикли оқ мато - банорас” ҳам тўқилган. Бу матоларни ишлаб чиқаришда жун ва ипакдан кенг фойдаланганлар. Улардан паранжи ва ўзида тўқ аҳоли эса чакмон тиктирган[4].

Наманган, Қўқон ва Марғилоннинг тўқувчилик устахоналарида эса адрас ва беқасам ҳам тўқилиб, улар ярим ипак газламалар турига кирар эди. XIX аср муаллифларининг кўрсатишича, уларнинг шу номдаги Бухоро газламаларидан сифати анча пастроқ эди[5].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хонлигининг йирик кулолчилик марказларидан бири Риштон эди. “Риштонда бизнинг кўз ўнгимизда сопол идишларни ясаганларини ва уларни ҳаво ранг билан сирлаганларини кўрдик”, - деб ёзадилар шоҳидлар.

Темирчилик устахоналари асосан бозорларда ёки бозорларнинг ёнида жойлашар эди. Қўқон бозорларини таҳлил этган В.Наливкин ва М.Наливкинлар бу ердаги дўконларда “темирчилар, саррошлар, эгарчилар, тикувчилар, кумуш билан ишловчи хунармандлар ва мисгарлар ишлаб”, шу ернинг ўзида ўз маҳсулотларини сотганликларини кўрсатиб ўтадилар[6].

Темирчилик Қўқон хонлигининг бошқа шаҳарларида ҳам кенг ривожланган эди. Жумладан, Наманганда темирчилик кенг ривожланган бўлиб, темирчилар



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

маҳсулот турига қараб хилма-хил мутахассисликларга бўлинар эди. Улар ичида айниқса, пичоқсоз усталар машҳур бўлиб, Наманган пичоқсозлари яратган маҳсулотларга талаб катта эди[7].

Қўқон хонлигининг темирчилик кенг тараққий этган шаҳарларидан бири Тошкент эди. Бу ерда темирчилар турли маҳсулотлар – пичоқ, қайчи, усталар ясаганлар. Шу билан бирга улар пўлатдан қимматбаҳо пичоқлар, турли ҳунармандчилик асбоблари, хусусан, дурадгорлар ва чилангарларнинг иш асбоблари болға ва омоч сингари меҳнат қуролларини ҳам ишлаб чиқарганлар.

Темирчилар айрим ҳолларда ўз маҳсулотларини фақат бозорлардаги устахоналарида, айрим ҳолларда уйларида ҳам тайёрлаганлар. Бундай ҳунармандлар жумласига тақачи-нағалчиларни киритиш мумкин. Тошкентга оид маълумотларнинг кўрсатишича, бу ҳунармандлар ўз маҳсулотларини уйларида ҳам ясаб, тайёр маҳсулотни бозорлардаги дўконларига олиб борганлар ва шу ернинг ўзида буюртмачиларга нағал қоқиб берганлар[8].

Чўяндан ва бошқа металл турларидан хилма-хил метал буюмларни қуйишга ихтисослашган ҳунарманчилик соҳалари водийнинг кўпгина шаҳарлари ҳам кенг ривожланган эди. Шаҳарларда қозон, омоч, қозонча, ҳовонча, арава ғилдираклари учун ўқлар, чироқлар, чойнақлар ва бошқаларни яратганлар. Бундай ҳунармандларнинг устахоналари кўп ҳолларда бозорлар ва унга яқин жойларда мавжуд бўлар эди. Айрим ҳолларда бундай устахоналар ҳунарманднинг уйида ҳам жойлашиши мумкин эди. Чўяндан омоч ва қозонлар Қўқонда ҳам қуйилган. Марғилонда ҳам дегрезлик устахонаси бўлган. Н.Щербин-Крамаренко Марғилонда “Шунингдек, қозон ва омоч тишлари қуйиладиган устахонани кўрдим, - деб қайд этади[9]”.

Шу билан бирга, шаҳарларда қурол-яроғлар оз бўлса-да ишлаб чиқарилганлигини таъкидлаб ўтмоқ зарур. XIX асрнинг 70-йилларига оид маълумотларига кўра, Қўқондаги шаҳар бозорида 15 та очик дўконда қурол-яроғ тайёрланиб, уларда бу иш билан машғул “олтита яхши уста” машғул эди. Бу даврда Наманган ҳақида эса, “қурол ишлаб чиқариш ва ханжарлар ясаш бўйича Наманган алоҳида ажралиб туради”, - деб маълумот берилган.

Қўқон хонлигида тўп қуйиш ҳунари ҳам ривожланган эди. 1800 йил Тошкентда бўлган М.Поспелов ва Т.Бурнашаевларнинг хабар беришларича, бу шаҳарда ҳам тўп қуйилган бўлиб, унда “5 та тўп бор эди”. Қўқон шаҳрида ҳам тўплар қуйилган эди. Бундай устахоналардан бири ҳақида сибирлик



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

казаклар Милюшин ва Батарышкинлар гувоҳлик бериб, “бу иш билан бутун ўлкада келиб чиқиши бўйича форс бўлган фақат бир уста шуғулланган бўлиб, унинг устахонаси дастлаб Қўқонда бўлган, кейинчалик уни Тошкентга кўчирди”, деб ёзадилар[10].

Шаҳарларда ёғочни ишлаш билан боғлиқ ҳунарлардан бири аравасозлик эди. Дурадгорлар темирчилар билан биргаликда шаҳарлар ва қишлоқлар хўжалигида муҳим ўрин тутган араваларни ясаганлар. Аравалар аҳолининг хўжалик ҳаёти билан бирга харбий юришларда кенг қўлланилган. Аравасозлик Қўқон хонлигининг Марғилон, Наманган, Тошкент ва Қўқон шаҳарларида кенг ривожланган эди.

Марғилон шаҳри вилоят маъмурий марказига яқинлиги ва вилоят маркази темир йўлдан четда бўлиб, вилоят марказининг фақат Марғилон шаҳри орқали темир йўлдан фойдаланиши, темир йўл тармоғининг водийнинг бошқа ҳудудларига жумладан, Андижонга боровчи асосий магистрал йўлининг Марғилон шаҳридан ўтганлиги шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолатига ўз таъсирини кўрсатган.

Терини ошлаш шаҳарлар аҳолисининг асосий ҳунар турларидан бири эди. Хусусан, Қўқон хонлиги ҳақида ёзган В.Вельяминов-Зернов “Эркаклар асосан кулолчилик ва терини ошлаш билан шуғулланадилар”, - деб қайд этган эди[11]. Чармгарлар ўз навбатида ишлаб чиқарадиган чарм турларига қараб бир қанча ихтисосликларга бўлинар эдилар. Хусусан, пойабзалнинг таг чарми, қора эски чарми – қайроқи, оқ замша, эшак терисидан барг ранг чарм – кемухтни ишлаб чиқарганлар. Бундай ҳунармандчилик соҳалари марказий шаҳарлар билан бир қаторда, кичик шаҳарларда ҳам ривож топган эди.

Бундай терилардан турли маҳсулотларни тайёрлаганлар. Жумладан, эчки териси турли ранг – кизил, қора ва сариққа бўялиб, ундан пойабзал тикишда кенг фойдаланилган. Этик ва кафшлар тикишда эшак ва айрим ҳолларда от терисидан тайёрланган “сағри теридан” кўпроқ фойдаланилган. Пойабзалнинг таг чарми учун ишлатиладиган хом-ашё туя ва хўкиз териларидан тайёрланар эди.

Турли оёқ кийимлар кенг ишлаб чиқариладиган марказлардан бири Тошкент бўлиб, бу ерда этиклар, махсилар, кафшлар тикилган. Хусусан, шаҳар бозорларида XIX асрнинг иккинчи ярмида бу турдаги моллар билан савдо қилувчи юзга яқин дўкон бўлган[12]. Тошкент кафшдўзлари томонидан яратилган сағри теридан тикилган кафшлар жуда машҳур бўлган.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Хунармандчилик соҳаларидан бири совун ишлаб чиқариш эди. Совунгарлар маҳсулотига аҳоли ўртасида талаб катта эди. Совун ишлаб чиқариш Ўрта Осиё шаҳарларида, жумладан, Қўқон хонлиги шаҳарларида ҳам ривожланган эди. XIX асрнинг муаллифларидан бири хусусан, уларда маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи “...кул ранг, қора рангдаги маҳаллий совун ҳам бор”, - деб айтган эди.

Самарқанд қоғоз ишлаб чиқаришнинг XVI-XVII аср йирик маркази бўлса, XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрда Қўқон қоғоз ишлаб чиқаришнинг йирик марказларидан бирига айланди. Бу ерда ҳам қоғоз ишлаб чиқариш устахоналари Самарқанддаги каби шаҳар атрофида жойлашган эди. Қўқонга яқин Қоғозгар ва Чорку қишлоқларида машҳур Қўқон қоғози ишлаб чиқарилиб, Ўрта Осиё шаҳарлари бозорларида улар билан кенг савдо амалга оширилди. Қўқон қоғозгарлари томонидан яратилган бу маҳсулот турига эҳтиёж катта эди. Турли илмий, тарихий, бадий асарлар, ҳужжатлар битишда ишлатиладиган бу қоғозларга шунингдек, “ёзув учун” мадрасаларда ҳам талаб катта эди. Қоғозгар усталар тайёрланган қоғозни турли рангларга - “қизил, кўк, сариқ ва бошқа рангларга” ҳам бўяр эдилар.

Шаҳарларда кенг ривожланган хунармандчилик соҳаларидан яна бири муқовасозлик эди. Муқовасозлик устахоналарида уста “саҳҳофлар” турли кўлёмаларни муқовалаш билан шуғулланганлар. Бундай устахоналар одатда шаҳарларнинг гавжум ерларида жойлашар эди. Муқовасозлик ривожланган марказлардан бири Қўқон эди. Бу ҳақида XIX асрнинг “Энг яхши муқовасозлар Қўқондадирлар. Бу ерда унча мураккаб бўлмаган муқовалаш асбоблари ҳам тайёрланадики, уларни Самарқандда топиш қийин. Ёзув ва китоблар учун қоғозни ҳам машҳур Қўқон фабрикалари етказиб беради”, деб қайд этилади.

Кўлёмаларни муқовалаш ҳунари кенг ривожланган марказлардан яна бири Наманган бўлиб, бу ерда чарм ва қоғоздан яратилган муқовалар Ўрта Осиёнинг йирик марказлари – Самарқанд ва Хивада тайёрланган муқовалардан қолишмас эди[13]. Муқовасозлик устахоналари шаҳарларнинг маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу ерда баъзан шоирлар ва маърифатли кишилар тўпланиб туришар эди.

Айрим хунар эгалари баъзи ҳолларда, айниқса ёз пайтида бошқа шаҳарларга иш қидириб борар эдилар. Улар жумласига “Қўқон ва Намангандан Тошкентга ёзда келувчи” аравасоз-усталарни киритиш мумкин. Шаҳарларнинг иқтисодий



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

марказ сифатидаги ўрни шу билан изоҳланадики, тадқиқ этилаётган давр мобайнида Фарғона водийси шаҳарларида турли-туман хунармандчилик соҳалари кенг ривожланган эди. Уларнинг барчасида аҳолининг кундалик турмуши эҳтиёжларига хизмат қилувчи хунар турлари – газламалар тўқиш, кийим-бош хилларини яратиш, уй-рўзғор буюмлари – кулолчилик, темирчилик, дурадгорлик маҳсулотлари-ни, озиқ-овқат турларини ишлаб чиқариш кабилар кенг ривожланган бўлиб, бу улар иқтисодий тараққиётга хос умумий томонларни ташкил қилар эди.

Шу билан бирга водий шаҳарларидаги хунармандчилик соҳалари бир-биридан фарқланувчи бир қатор жиҳатларга ҳам эга эди. Жумладан, айрим шаҳарларда ишлаб чиқилган баъзи хунармандчилик маҳсулотлари ўзининг юқори сифати билан бошқа шаҳарларда яратилган бу турдаги маҳсулотлардан ажралиб турар эди. Тадқиқ этилаётган давр мобайнида шаҳарлардаги хунармандчилик соҳалари ўз бошидан тараққиёт босқичлари ва инкирозли ҳолатларни кечирди. Айрим хунар турлари янада ривожланиб борди, айримлари умуман унут бўлаёзди. Бундай хунарлар жумласига ҳарбий қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга ихтисослашган хунар турларини киритиш мумкин. Шу билан бирга XIX асрнинг биринчи ярмида тайёр фабрика молларининг Россиядан кириб келиши ҳам кейинги даврда айрим хунар турлари ривожланиш суръатларининг пасайишига олиб келди.

Қўқон аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида савдо муносабатлари алоҳида ўрин тутиб, савдо-сотик ишлари ички ва ташқи соҳаларга бўлинган. Ички савдо ўтроқ деҳқонлар, кўчманчи чорвадорлар ва шаҳар – қишлоқ хунармандлари ўртасидаги анъанавий маҳсулот айрбошлашга асосланган. Аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан тўла таъминлаб турилган. Барча ички савдо чакана бўлиб, улгуржи савдо деярли бўлмаган.

Хунармандчилик ва косибчилик савдо билан яқин алоқада бўлган. Хунармандлар аксарият ҳолларда ўз товарларини ўзлари сотганлар. Деҳқон ва чорвадорлар эса ҳафтанинг муайян кунлари ўз молларини бозорда сотганлар. Шу билан бирга, хонликда олиб сотарлик ҳам кенг тарқалган. Бозорлардаги нарх-наво бир хилда турмаган. У хонликдаги тинчлик-осойишталик, урушлар, об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши каби омилларга қараб ўзгариб турган.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Мамлакатнинг энг асосий савдо ва тижорат марказлари Қўқон, Тошкент, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Наманган, Ўш, Ўратепа каби шаҳарлар бўлиб, улар орасида Қўқон нафақат хонлик, балки бутун Ўрта Осиёнинг савдо марказларидан бири эди.

Қўқон бозорлари ўзининг товарларга бойлиги ва нарх-навонинг бошқа шаҳарларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб турган. Шаҳарнинг деворлар билан ўралган катта бозорлари маҳаллий аҳоли ва четдан келган савдогорлар билан доимо гавжум бўлган. Потанин XIX асрнинг 20-йилларида Қўқонда олти бозор бўлганлигини қайд этган. Бозорлар якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Бу ерда қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, харидор ҳаққига хиёнат қилувчилар қаттиқ жазога тортилганлар.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо ҳам муҳим рол ўйнаган. Мамлакат ғарб ва жанубда Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашқар орқали), шимолда Дашти қипчок кўчманчилари ва айниқса Россия билан кенг савдо муносабатларини ўрнатган. Манбаларда хонликка япониялик ва англиялик савдогарлар ҳам келганлиги кўрсатиб ўтилади[14].

Хонликдан чет элга асосан ипак ва ипак матолари, пахта, чарм, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, заргарлик буюмлари, қуритилган мевалар, кулолчилик ва бошқа маҳсулотлар чиқарилган. Чет элдан асосан чой, металл, чинни, уй-рўзғор буюмлари, тайёр газлама, кийим-кечак, пойафзал ва бошқалар келтирилган. Жумладан, хонликнинг савдогарлари Бухоро ва амирлик чегараларидаги шаҳарлар билан муваффақиятли савдо ишларини олиб борганлар. Икки давлатнинг савдогарлари савдода фаол қатнашиб, қўқонлик савдогарлар Бухоро амирлигига хўжалик ҳаётга зарур бўлган рус темири, чўян ва пўлатдан ясалган буюмлар, тамаки, рўмол, гуруч ва баъзи хитой ёки маҳаллий ипак газламалари, чой, чинни идишларни олиб боришган. Бухоролик савдогарлар эса Қўқонга ҳинд чойи, индиго, коленкор, ҳарир, тарёк, бўёк, зардўзлик маҳсулотлари ва ип газлама олиб келишган. Рус чоти Бухоронинг Қўқон хонлиги билан савдосида алоҳида ўрин эгаллаган. У Оренбург ёки Петропавловскдан Казалинскка, ундан Бухоро, Самарқанд ва Хўжанд орқали Қўқонга олиб келинган. Шунингдек, хонликка Машҳаддан олиб келинадиган инглиз газламалари, оз миқдорда бўлса ҳам Қобулнинг тўн ва саллалари, ҳинд атторлик молларини ҳам келтиришган. Хонлик ва Бухоро



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Ўртасидаги савдода аравалардан кенг фойдаланилганлиги бошқа жойларга нисбатан Бухоро билан кўпроқ товар айирбошлаш имкониятини яратган.

Кўкон ва Бухоро давлатлари ўртасидаги сиёсий низолар савдо алоқаларининг маълум муддат сусайишига олиб келсада, ўзаро савдо муносабатлари тўхтаб қолмаган.

Кўконнинг Қашғар билан савдо муносабатлари худди Бухоро амирлиги каби бўлиб, Қашғардан Кўконга афюн, чинни идишлар, кумуш, хитой ипак матолари, тола ва гиламлар олиб келинган.

Қозоқ жузларининг Россияга қўшиб олинishi ҳукмдор табақалар ўртасидаги ўзаро урушларнинг тўхташига сабаб бўлди ва бу ҳолат Ўрта Осиёнинг Сибирь, Урал, Волга бўйи билан савдо муносабатларига кенг йўл очди. Кўконга қозоқ даштларидан Авлиёота орқали 10 минглаб кўй олиб келинган[15].

Ўрта Осиё давлатлари қаторида Кўкон хонлиги ҳам Ҳиндистон билан мунтазам савдо алоқаларини олиб борган. Ҳиндистондан йилига Кўкон, Тошкент, Бухоро ва Қашғарга Қобул орқали 10 000 дан 15 000 туягача товар юборилган. Улар асосан ип газламалар, Кашмир рўмоллари, салла учун ок сурп, шакар бўлиб, Кўкондан Ҳиндистонга асосан ипак газламалар, ипак, эчки жуни, отлар ва бошқа товарлар чиқарилган. Отлар савдонинг катта фойда келтирадиган манбаларидан бири бўлган. Бундан ташқари ҳар йили Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга 20 лак(пул бирлиги ўлчови. Бир лак юз мингга тенг) олтин олиб чиқилган. Ҳиндистон савдогарлари хонликдаги шаҳарларда яшаб тижорат ва ҳатто судхўрлик билан ҳам шуғулланганлар.

Хонликнинг ташқи савдо алоқаларида Кўкон-Россия савдо муносабатлари алоҳида ўрин тутган. 1758–1853 йиллар давомида товар экспорти 174000 дан 2171000 кумуш рублга, импорт эса 37000 дан 676000 кумуш рублгача ошган. Рус савдогарлари аввал 100 фоиз, кейинчалик 70, 50 фоиз микдорида даромад олганлар[16].

1854 йилда В.В. Вельяминов-Зернов Россия-Кўкон савдо муносабатлари ҳақида шундай деб ёзган эди: «Кўкон мутлақо саноатсиз мамлакат, унинг атрофидаги халқлар у билан тенг даражада ёки ундан ҳам паст даражада ривожланган. Унинг қўшилари ичида Россиядан бошқа бирорта ҳам ривожланган мамлакат йўқ. Бу ҳол эса биз учун жуда қулайдир. Равшанки, Кўкон маҳаллий имкониятлар билан ўзининг зарурий эҳтиёжларини қондира олмайди. Агарда у бирор ердан товар олмоқчи бўлса, фақат биргина Россиядан олиши мумкин».



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

1861 йил 19 февраль ислоҳоти ва крепостной ҳуқуқининг бекор қилиниши натижасида рус саноатининг жадал ривожлана бошлаганлиги, хом ашё базаси ва ташқи бозорга бўлган эҳтиёжнинг янада кучайганлиги Россиянинг Қўқон бозорини фаол эгаллаб, ундан чексиз фойдаланишининг асосий сабабларидан бири бўлган. Генерал-майор Черняев ҳам рус савдогарлари манфаатларини кўзлаб: “Менинг фикримча, ... аввало бизнинг савдогарларимиз, уларнинг ҳаёти ва товарлари учун хавфсизликни, эркин, ҳар қандай тўсиқларсиз савдо қилиш имкониятини таъминлаш лозим. Бу шароитларни таъминласак, савдогарларга тегишли барча масалалар, маъмурият аралашмасдан, ўз-ўзидан ҳал бўлаверади”, - деб ёзган эди.

Черняевнинг маълумотига қараганда, Россиядан Қўқонга темир, мис, пўлат, чўян ва темир буюмлар, чит ва сифатсиз газмоллар, оз миқдорда бахмал, шакар, фаянс косалар, ойналар, чарм, Россияга тобе бўлган қозоқ чўлларидан кўйлар ва унинг териси, чарм ва чарм маҳсулотлари, кигиз олиб келинган.

1864-1865 йиллардаги Тошкент босқинидан олдин тошкентлик савдогарлар Россия билан савдо алоқаларининг камайишидан афсусланганликлари ҳақида Абу Убайдуллоҳ Тошкандий, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, Муҳаммад Юнус шиғовуллар ўз асарларида маълумот берганлар[17].

Хонликдан Россияга асосан пахта олиб чиқилган. Агар 1840-1850 йилларда 18119 рубллик пахта олиб кетилган бўлса, 1862 йилда 160000 рубллик, 1866 йилда 324136 рубллик, 1867 йилда эса 1344400 рубллик хом ашё олиб кетилган. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан сўнг хонлик худуди аста-секин хом ашё базасига айланиб борган.

1867 йили Оренбург ва Сибирь божхоналари ҳам Тошкентга кўчирилган. 1868 йилда бож тўловлари борасида Туркистон генерал-губернатори ва Қўқон хони ўртасида савдо шартномаси тузилган. Унга кўра, рус савдогарлари кўплаб имтиёзларга эга бўлганлар. Улар Қўқон хонлигининг исталган шаҳар, қишлоғида ўзларига омборхона, карвонсаройлар қуриш, савдо-сотик масалалари билан шуғулланувчи агентлар юбориш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аслида бу агентлар рус разведкасининг жосуслари сифатида ҳам фаолият юритганлар.

Мазкур шартномага биноан Қўқонга олиб келинадиган ёки бу ердан Россияга олиб кетиладиган товарлардан Туркистон ўлкасида тўланадиган бож миқдори товар нархининг ярим фоизига тенглаштирилган. Яна қўшни мамлакатларга бораётган рус савдо карвонларига Қўқон хонлиги ерларидан бож тўламасдан



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Ўтиш имтиёзи берилган ва уларнинг хавфсизлиги хонлик зиммасига юклатилган. М.А. Терентьев: “Мавжуд барча бозорлардан Қўқонни батамом ўзимизники, деб айта оламиз”[18], -деганда шуларни ҳисобга олган бўлса керак.

XIX асрнинг 70-йилларида Қўқон ва Россия савдо муносабатлари янада кенгайиб борган. Буни 1870 йилда Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфманнинг Фармонида биноан Россия ва Ўрта Осиё савдо муносабатларини ривожлантириш ва савдогарларни истеъмолчилар билан яқинлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида очилган савдо ярмаркасининг товар алмашинуви ҳақидаги маълумотларида ҳам кўриш мумкин. Агар ярмаркага 206039 рубллик пахта келтирилган бўлса, шундан 90152 рубли, 17007 рубллик ипакдан 14614 рубл миқдоридаси Қўқондан олиб келинган.

Қўқон хонлиги ва Россия савдо муносабатларининг кенгайиб бориши бир томондан қишлоқ хўжалиги айрим тармоқларининг ривожланиб, рус маданиятининг баъзи жиҳатларини аҳоли турмуш тарзига кириб боришига олиб келган бўлса, иккинчи томондан мамлакат Россиянинг хом ашё базаси ва ташқи савдо бозорига айланиб борди. Россия билан савдо алоқалари хонлик қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, рус саноати товарларининг кириб келиши маҳаллий хунармандчилик ишлаб чиқаришини инқирозга юз туттирган ва унга ҳалокатли таъсир кўрсатган.

Россия саноат корхоналарининг маҳсулотлари фақатгина маҳаллий хунармандларга салбий таъсир кўрсатмаган, балки бошқа давлатлар, жумладан Хитой чинни маҳсулотларини ҳам рақобатда сиқиб чиқара бошлаган. Рус фабрика ва заводлари Ўрта Осиё бозорларини махсус маҳсулотлар билан танъминлай бошлади. Ҳаттоки чинни идишларда араб ёзувидаги безаклар пайдо бўлган ва уларни маҳаллий савдогарлар ҳам муваффақият билан сотганлар.

Шаҳарларда асосий савдо шаҳобчалари ҳукмдор табақалар қўлида бўлиб майда савдогарлар бу ердан фойдаланганликлари учун маълум миқдорда ҳақ тўлаганлар. Савдогарлар орасида Россия ва Шарқий Туркистон билан тижорат қилувчи тадбиркорлар кўпроқ даромад қилганлар.

Қўқон савдогарлари XIX асрнинг ярмида Русия ярмаркаларида бўлиб, хонликка кўп молларни сотиб олиб келардилар. Хонлик бозорларида ҳар хил расталар, тимлар, дўкону саройлар бўларди. XIX асрнинг 60-йилларида Тошкент бозорларида 16 та карвонсарой, 2400 дўкон бўлиб, 30га яқин



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

расталари бор эди. Хўқанд бозорида 5 та карвонсарой, Ўратепада 3 та, Қўқон бозорида 1841 йили 6 та карвонсарой ўз дўконлари билан фаолият кўрсатарди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хонликдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлигига қарамай мамлакат қўшни давлатлар билан қизғин савдо-сотик муносабатларини олиб борган. Ташқи савдода фарғоналиклар асосан Хитой (Шарқий Туркистон), Ҳиндистон билан, Хўжанд, ўратепаликлар эса Бухоро амирлиги, Афғонистон билан, Тошкент воҳаси савдогарлари эса қозоқ худудлари ва Россия билан, Сирдарё бўйларидаги шаҳарлар эса Бухоро ва Хива давлати билан кенг савдо алоқалари олиб борганлар.

Мамлакат иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин тутган савдо марказлари бўлган Қўқон, Тошкент, Андижон, Чимкент, Ўратепа, Марғилон, Ўш, Хўжанд, Жиззах, Сайрам, Туркистон каби шаҳарлар ички савдо тараққиётини белгиловчи асосий омил ҳисобланган. Бу шаҳарларнинг бозорлари маҳаллий ва четдан келтирилган маҳсулотлар билан тўлиб – тошган. Метал ва фабрика буюмлари Россиядан келтирилган бўлса, Хитой ва Ҳиндистондан чой маҳсулотлари ва бошқа товарлар кириб келган.

XIX асрнинг бошларидан бошлаб хонлик савдогарлари ташқи савдода Россия билан муносабатларни кенг йўлга қўйганлар. Натижада Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат маҳаллий хунармандлар балки бошқа мамлакатларнинг товарларини ҳам сиқиб чиқара бошлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хива, или географическое и статистическое описание Хивинского ханства. Москва. В Университетской Типографии. 1840.
2. Щербин-Крамаренко Н. По мусульманским святыням Средней Азии / Справочная книжка Самаркандской области. – Вып. IV. – М. 1986.
3. ЎзМА 23-фонд, 1-рўйхат, 188-йиғма жилд. 242-варақ.
4. Пашино П. И. О Фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области // Известия ИРГО. Том II. (Pashino P.I. On Factory and Trading Activities in the Turkestan Region // Bulletin of the IRGO. Volume II) – СПб., 1867.
5. Хорошхин А.П. Очерки Коканда//Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

6. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы . - Казань : типография Императорского университета, 1886.
7. Қосимов Й. Наманган тарихидан лавҳалар (1917 йилгача). – Тошкент: Фан, 1991.
8. Гейер М., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. – 1903.
9. Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов. М. 1954
10. Макшеев А. Показания сибирских казаков Милюшина и Батыришкина, бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 гг. // Вестник Русского Географического общества. – Ч. 17 (II). – СПб., 1856.
11. Вельяминов-Зернов В. Сведения о Кокандском ханстве / Вестник Русского Географического общества. – Санкт-Петербург, 1856. Т.18
12. Гейнс А.К. Управление Ташкентом при кокандском владычестве // А.К. Гейнс. Собрание литературных трудов. Т. II. СПб, 1898
13. Mamadaliyev X. I. Farg‘ona vodiysi shaharlari tarixi(XIX – XX asr boshlari) / monografiya – Toshkent.: “Fan ziyosi” nashriyoti, 2022.
14. Мамадалиев Х.И. Фарғона шаҳарларининг ташқи савдо алоқаларида ўрни //Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. IV Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Фарғона. 2017 йил.
15. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства . Ташкент, 1973.
16. Янжул И. Исторический опыт торговли со Средней Азией // Туркестанский сборник. Т. 375.
17. Муҳаммад Юнус Тойиб. Тарихи Алиқули амири лашкар. Қўлөзма. ЎзР ФАШИ. – №1213
18. Терентьев М. А. Россия и Англия. – Москва, 1879.
19. Mamadaliyev, X. (2022). Фарғона водийси шаҳарларнинг маъмурий бошқарув тизими (XIX аср охири–XX аср бошлари). Scienceweb academic papers collection.
20. Mamadaliyev, X. (2022). Farg‘ona vodiysi shaharlari tarixi (XIX–XX asr boshlari)/monografiya–Toshkent.:“Fan ziyosi” nashriyoti, 2022. 192 bet. Scienceweb academic papers collection.
21. Mamadaliyev, X. (2022). Россия истилоси арафасида Фарғона водийси шаҳарлари. Scienceweb academic papers collection.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

22. Mamadaliyev, X. (2021). Works of local sources as an important source in the history of the cities of the Fergana valley. Scienceweb academic papers collection.
23. Mamadaliyev, X. (2021). Қўқон хонлиги тарихига оид хорижий манбалар. Scienceweb academic papers collection.
24. Mamadaliyev, X. (2021). Қўқон хонлиги шаҳарлари (XIX-XX аср бошлари). Scienceweb academic papers collection.
25. Mamadaliyev, X. (2020). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАХАРЛАРИ ТАРИХИДАН...(XIX-XX АСР БОШЛАРИ). Scienceweb academic papers collection.
26. Mamadaliyev, X. (2020). Фарғона водийсида "Янги шаҳар" ларнинг пайдо бўлиши ва ўзгаришлар. Scienceweb academic papers collection.
27. Mamadaliyev, X. (2020). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАХАРЛАРИ ТАРИХИДАН...(XIX-XX АСР БОШЛАРИ). Scienceweb academic papers collection.
28. Mamadaliyev, X. (2019). The role of the cities of Fergana Valley as socio-cultural centres (at the end of XIX century). Scienceweb academic papers collection.
29. Mamadaliyev, X. (2019). Фарғона водийсидаги урбанизация жараёнлари. Scienceweb academic papers collection.
30. Mamadaliyev, X. (2019). Фарғона водийси шаҳарлари худуди ва аҳоли таркибидаги ўзгаришлар (XIX аср охири–XX аср бошлари). Scienceweb academic papers collection.
31. Islomjanovich, M. K. (2019). Formation of the city of Kokand during the Russian empire. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 9(7), 53-57.
32. Mamadaliyev, X. (2018). Қўқон хонлиги шаҳарларида маданий ҳаёт (XIX-XX аср бошлари). Имом Вухорӣ saboqlari.
33. Mamadaliyev, X. (2017). Фарғона водийси шаҳарларининг ташқи савдо алоқаларидаги ўрни. Scienceweb academic papers collection.
34. Mamadaliyev, X. (2017). ADMINISTRATIVE, REGIONAL GOVERNING SYSTEM OF KOKAND KHANATE AND THE ROLE OF CITIES IN IT. Scienceweb academic papers collection.
35. Mamadaliyev, X. (2015). Фарғона водийси шаҳарларида анъанавий маданий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари. Scienceweb academic papers collection.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

36. Mamadaliyev, X. (2014). Андижон шахрининг ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий ҳудудий ўзгаришлари (XIX аср охири XX аср бошлари). Scienceweb academic papers collection.
37. Мамадалиев, Х. И. (2014). Социально-экономические и административно территориальные изменения в городе Маргилан (конец XIX века и начало XX века). In История и археология (pp. 54-57).
38. Mamadaliyev, X. (2014). Regional changes in socio-economy and administration in Kokand city (The end of XIX and—the beginning of XX centuries). Scienceweb academic papers collection.
39. Mamadaliyev, X. (2013). The description of socio-economical and cultural problems of the cities of Fergana region in local newspapers (In example of the newspaper “The newspaper of Turkistan region”). Scienceweb academic papers collection.
40. Mamadaliyev, X. (2012). Фарғона водийси шаҳарларнинг вилоят бошқарув тизимида тутган ўрни (XIX аср охири–XX аср бошлари). Scienceweb academic papers collection.
41. Mamadaliyev, X. (2012). XIX аср сўнги чораги–XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарлари. Scienceweb academic papers collection.
42. Mamadaliyev, X. (2010). Қўқон хонлигининг чоризм томонидан истило қилиниши. Scienceweb academic papers collection.
43. Mamadaliyev, X. (2009). Марғилон шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Scienceweb academic papers collection.
44. Mamadaliyev, X. (2009). Қўқон хонлигини Россия империяси томонидан босиб олинишининг маҳаллий матбуотда ёритилиши (Туркистон вилояти газети мисолида). Scienceweb academic papers collection.
45. Mamadaliyev, X. (2009). XIX аср охири XX аср бошларида Андижон шаҳри. Scienceweb academic papers collection.
46. Mamadaliyev, X. (2008). Фарғона водийсидаги тарихий обидалар (Наманган шаҳри мисолида). Scienceweb academic papers collection.
47. Madaminova, N. Z. (2018). Peculiarities of Teaching Social Subjects at High Educational Pedagogical Organizations. Eastern European Scientific Journal, (2).
48. Madaminova, N. Z. (2021). THE ROLE OF SOCIAL SCIENCES IN THE UPBRINGING OF A HARMONIOUSLY DEVELOPED



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

GENERATION. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF
PEDAGOGICS, 2(09), 19-21.

49. MADAMINOVA, N. (2017). TECHNOLOGY OF TEACHING TO SOCIAL STUDIES. In МОЛОДЕЖЬ И НАУКА: ШАГ К УСПЕХУ (pp. 13-15).
50. Madaminova, N. Z. (2020). THE MEANING OF THE DEVELOPMENT OF KNOWLEDGE ON THEOLOGY. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 13-16).
51. Мадаминова, Н. З. (2018). Динийлик ва дунёвилик конвергенцияси. Современное образование (Узбекистан), (9), 18-24.
52. Мадаминова, Н. С. (2015). Зороастризм-философская культура узбеков. Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук, (3), 49-52.
53. Мадаминова, Н. С. (2015). Толеранность-феномен духовной культуры. Вестник магистратуры, (3 (42)), 60-62.
54. Yusupova, E. F., Djamiev, B. A., & Madaminova, N. Z. (2022). Multiparty System Opinions in Society as an Important Factor for Ensuring Diversity and Democratizing the Country. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 1782-1786.
55. Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. JournalNX, 897-903.
56. Санакулов, А. Н. (2022, January). ВЫРАБОТКА ИНФОРМАЦИОННОГО ИММУНИТЕТА-КАК ЗАЛОГ ПОВЫШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ЛЮДЕЙ. In Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference (Vol. 2, No. 1).
57. Sanakulov, A. N. (2019). MAINTENANCE OF THE WORLD OUTLOOK SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. Социосфера, (4), 54-57.
58. Nazarovich, S. A. (2022). DEVELOPMENT OF INFORMATIONAL IMMUNITY AS THE KEY TO INCREASING THE INFORMATION CULTURE OF PEOPLE. Conferencea, 191-196.
59. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. Yosh Tadqiqotchi Jurnal, 1(5), 290-296.
60. Nazarovich, S. A. (2022). SPIRITUAL ASPECTS AND SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. Conferencea, 94-99.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

61. Санакулов, А. Н., & Бобоёров, Ш. Б. (2022). ЁШЛАРДА ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК (VR) ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 281-289.
62. Sanaqulov, A. (2021). Ҳозирги давр фани ва фалсафасида виртуал реаллик муаммоси. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМАСИ.
63. Sanaqulov, A. (2020). ВИРТУАЛ МУЛОҚОТДА ДУНЁҚАРАШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ. БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ.
64. Allayarova, S. U. (2023, January). BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARINING LUG 'AT VOYLIGINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI. In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 2, No. 1, pp. 51-56).
65. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 290-296.
66. Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха*.
67. MAMARASULOVICH, A. B. (2021). Баркамол ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий мезон ва меъёрларнинг ўрни. АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
68. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 154-163.
69. Absattorov, B. M. (2019). Spiritual And Moral Development Of The Person In Modern World. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
70. MAMARASULOVICH, A. B. (2018). INNOVATORY METHODS OF WORKING WITH UNORGANIZED YOUTH. *European Science Riview*.
71. Mamarasulovich, A. B. (2021). IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF ETHICAL CRITERIA AND NORMS. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

72. Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ–ЎЗ–ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.
73. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха.
74. Mamarasulovich, A. V. (2023, January). YOSH AVLODNI MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASH–XALQIMIZ TARBIYAVIY AN’ANALARINING O ‘ZIGA XOS JIHATLARI SIFATIDA. In Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies (Vol. 2, No. 1, pp. 273-281).



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE
SERIES